ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

16-17 (398-399)

2004 йил 28 апрель

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2
- Оқсоқол ваколатини қонун белгилайди
- Саховат қилиш сурури

3
- Туркистонда илк босмахоналар
- Ўғри бургут ва қўшиқчи фил

4
- Хиванинг саксонта минораси
- Буюрилганини эмас, кўрганини ёзган шоир

сахифада

Қорақалпоғистон Республикаси

Хўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйида катта хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тадбирга туман марказлашган касалхонаси бош шифокори Шийрин Юсупова ҳамда бир гуруҳ шифокорлар, маҳалла фаоллари ҳомийлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 3 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг хатна тўйлари ўтказилди. Тўй болалар номига халқ банки туман бўлимига пул ўтказилиб, омонат дафтарчалари топширилди.

МЕҲРИБОН ҚЎЛЛАР...

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ҳ.Ҳ.Ниёзий томонидан ташкил этилган, ўз даврида Етимлар уйи, Болалар уйи деб аталган, айни пайтда тамомила ўзгача мазмун касб этиб, Меҳрибонлик уйига айлантирилган мазкур даргоҳда бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Ҳомийлар бу ерга баҳоли қудрат кўмак бериш, меҳр улашиш мақсадида яхши ният билан келишади. Ҳозирда мазкур даргоҳда 243 нафар ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Уларнинг 215 нафари ногирон, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлса, 28 нафарини етим болалар ташкил қилади.

— Даргоҳимизда ўғил-қизларнинг талаб даражасида таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар мавжуд, — дейди Меҳрибонлик уйи директори И.Шербоев. — Ҳавас қилса арзигулик спорт мажмуаси, клуб, бичиш-тикиш, миллий ҳамда бир неча хорижий халқлар таомларини тайёрлашга мўлжалланган махсус цехлар, 4 та тўгарак, 6 та спорт секциялари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Натижада Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари мамлакат миқёсидаги спорт мусобақаларида, санъат фестивалларида муваффақиятли қатнашмоқда.

Меҳрибонлик уйида меҳри дарё тарбиячилар,устоз- мураббийлардан ташкил топган аҳил, ўз ишининг ҳақиқий фидойилари бўлган жамоа шакллланганлиги,улар беминнат фаолият кўрсатиб, том маънода болаларга меҳр улашаётгани ғоят ибратлидир.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

ЮРТДА ТУРИБ ГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ БАХТИ

Маълумки, бундан бир ой муқаддам "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди. Ҳозирда республикамизнинг барча ҳудудларида ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида қизғин иш бормоқда.

Хусусан, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни тантанали равишда кутиб олиш ҳамда Куролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларни қўшинларга тантанали кузатиб қўйиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда жойларда маросимлар ташкил этмоқда.

Оилада ўғил фарзанд дунёга келса, унга Жасур, Ботир, Баҳодир, Полвон, Темур... деб яхши ниятлар билан мардларга хос исм қўямиз. Унинг келажакдаги сиймосини кучғайрати тошган, Ватан учун фидойи, мард йигит сифатида кўришни истаб, дуоларга қўл очамиз.

Маълумки, давлатимиз томонидан юртимиз мудофаасига қаратилаётган катта эътибор, Куролли Кучларимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгидан қабул қилинаётган Қонунлар фуқароларимиз онгида ҳарбий хизмат тушунчасининг ижобий маънода акс эта боришига сабаб бўлаяпти. Шу боис, жойларда ҳарбий хизматга чақирилишни истаб, ариза бераётган йигитлар сони тобора ортиб бормоқда.

Армиямиз сафида хизмат қилаётган йигитларга муносабат тубдан ўзгарган. Шунинг учун йигитларимиз қандай бўлмасин ҳарбий хизматга боришга ва ота-оналари, яқинлари, маҳалла-кўй олдига ёруғ юз билан қайтишга ошиқишади.

Ўз навбатида давлатимиз томонидан уларга ҳам кўпгина имкониятлар яратилаяпти. Масалан, Юртбошимиз ташаббуси билан умумий ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши, хизматнинг муддатли, муқобил, сафарбарлик турлари жорий этилиши, йигитлик бурчини ўтаган ўғлонларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олишларини таъминлаш мақсадида ўқув юртига кириш имтиҳонларида тўпланадиган умумий баллнинг 20 фоизи қўшиб берилиши, аскарлар ойлик маошларнинг бир неча баробарга ортиши ... каби қулайликлар шулар жумласидан.

Айни пайтда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Куролли Кучларимиз сафига сараланган йигитларни қабул қилиш ва йигитлик бурчини ўтаб бўлганларни резерв ва захирага бўшатиш учун йилда икки марта ўтказиладиган чақирувнинг навбатдаги, баҳорги мавсуми қизғин кечмоқда. Ана шу муносабат билан жойларда Мудофаа Вазирлиги томонидан хизматни тугаллаган аскарларни ўз уйларига кузатиш маросимлари ўтказилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат маблағи ҳисобидан йигитларимиз самолётда ўз туғилган вилоят ва шаҳарларига олиб борилиб, ўз ота-оналари қўлига соғ-омон топширилади. Шунингдек, уларни кутиб олиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари томонидан тантанали равишда, кўтаринки руҳда ташкил этилади.

Хулоса шуки, энди халқимизда, йигитларимизда миллий армиямизга бўлган фикр ўзгарди. Демак, барча ислоҳотлар замирида ягона мақсад — инсон манфаати ётганлиги яна бир бор ўз тасдиғини топаяпти.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Эртага: Олий Мажлис сессиясида

Йўлдош ЖЎРАЕВ,
юридик фанлари доктори.

ЙИҒИНЛАРДА САЙЛОВЛАР

ЭНДИ УЛАР ҚОНУН АСОСИДА БЎЛАДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг эртага бўлиб ўтадиган XIV сессияси кун тартибига "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиш киритилган. Мазкур Қонуннинг моҳияти, аҳамияти ва ундаги қоида ва меъёрларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириб бериш учун Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Йўлдош ЖЎРАЕВга мурожаат қилдик.

— Мазкур Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида ахборот берсангиз...

— Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилингандан сўнг умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этилди.

Кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган лойиҳа қизғин муҳокама объектига айланди. Маҳалла тизими барча фуқароларимизнинг ҳаёт тарзи, манфаатларига тааллуқли бўлгани учун уни муҳокама қилишда кўплаб оддий фуқаролар, аграр соҳа ходимлари, фахрийлар, мутахассислар ва бошқа қатламлардаги кишилар қатнашдилар.

Муҳокама даврида 200 дан зиёд таклиф, фикр ва мулоҳазалар ифодаланган хатлар, матбуот материаллари, жамоат йиғинлари қарорлари олинди. Бундан ташқари, Қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилган вақтда фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол)лари ва унинг маслаҳатчилари сайловлари ўтаётган бўлиб, мана шу сайловлар тажрибаси асосида бир қанча таклифлар Қўмитага келиб тушди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасига республика матбуоти ҳам жиддий эътибор қаратиб, бир қанча газета ва журналлар орқали ҳам муносабатлар билдирилди.

Сиёсий партиялар, уларнинг парламент фракцияларида ўтказилган муҳокамаларда кўплаб долзарб масалалар кўтарилди. Айниқса, Ўзбекистон ХДП ўтказган семинар, "Фидокорлар" МДП ўтказган давра суҳбатида билдирилган фикрлар лойиҳани янада пишитиш учун катта аҳамият касб этди.

Қўмита томонидан ҳам Наманган Давлат университетида ва Олий Мажлисда муҳокама тадбирлари ўтказилди.

Муҳокама давомида тушган таклифлар асосида мазкур Қонун лойиҳасига қилинган қўшимча ўзгаришлар унинг бир қанча моддаларида ўз аксини топди.

Лойиҳа бўйича билдирилган таклифлар, фикрлар ва мулоҳазалар асосида унинг 16 та моддасига ҳар хил ҳажмдаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Лойиҳага киритилган энг жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар унинг 3, 12, 14 ва 25-моддаларидан ўрин олди.

Биринчи ўқишдаги лойиҳанинг 12-моддаси, биринчи қисми биринчи хатбошисида сайлов ўтказиладиган фуқаролар йиғини бўладиган кун, вақт ва жойни тегишли ҳудудда яшайдиган фуқароларга хабар қилишнинг аниқ бир куни кўрсатилмаган эди. Таклифларга кўра бундай хабар бериш фуқаролар йиғини бўладиган кундан узоғи билан 5 кун олдин фуқароларга етказилиши керак. Бундан ташқари 12-модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбошиси киритилиб, унга кўра сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг ваколати кенгайтирилади, унинг амалга оширилиши сайловчиларнинг масъулиятини ва ҳуқуқий маданиятини оширади.

Лойиҳанинг 14-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига топширишнинг муддати кўрсатилмаган эди.

Иккинчи ўқишдаги лойиҳада эса мазкур жараёнда аниқ бир муддатнинг кўрсатилмаслиги айрим муаммоларни келтириб чиқаришини ҳисобга олиб, бундай ҳужжатларни тегишли комиссияларга камида ўн кун олдин топшириш лойиҳада белгилиб қўйилади.

(Давоми 2-саҳифада.)

Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунинг 12-моддасида ўзини ўзи бошқариш органлари жойларда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашиши, тегишли ҳудуддаги ерлардан фойдаланиши, ва фойдаланиши устида жамоатчилик назоратини ўрнатиши, ёқилғи ресурсларидан тежамли фойдаланиши ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиши белгиланган бўлсада, у амалда изчил бажарилмай келинди.

БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Фарғона вилояти ҳокими ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, яқинда махсус қарор қабул қилди. Унда шаҳар, туман ҳокимларига қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йийини томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунини тўлиқ амалда қўллаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилган.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ушбу қарорни вилоятда биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади ва амалга оширишга киришди. Аввало, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари вазифаларига билимдон, раҳбарлик соҳасида ҳаёт тажрибасига эга бўлган кадрлар ҳамда ёшлар сайланишига эришилинди.

Айни кунларда тумандаги битта шаҳарча, ўнта қишлоқ ва 21 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ваколатлари доирасидаги барча ишларни изчил амалга оширмоқдалар. Ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини туман ҳокимлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

— Бу йил туманимиз меҳнаткашлари камида 15 минг тонна дон, 21 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ фўжалик маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилишган, — дейди туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Ҳ.Мамажонов. — Бунинг учун ҳозирги кунда туманда бошоқли экинлар ва боғларга ишлов бериш, чигит экиш қизғин бормоқда. Бу ишлар қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, жамоатчилик назорати гуруҳлари аъзолари фаол қатнашмоқда.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Қашқадарё вилояти

МЕҲРДАН ЯРАЛГАН ОИЛА

Ғузор туманидаги «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан катта хайрия тадбири уюштирилди. Унга меҳнат ва уруш фахрийлари, эҳтиёжманд инсонлар, корхонанинг ишчи-хизматчилари таклиф қилинди. Тадбирни корхона раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Олим Муродов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг даврага ёш келин-куёв - Аброржон ва Муҳайёхонлар мусиқа садолари остида кириб келдилар.

Дарвоқе, бу икки ёшнинг никоҳ оқшомини ўтказишга ҳам «Шўртаннефтгаз» корхонаси ҳомийлик қилди. Кечада келин-куёвларга эсдалик совғалари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, бу икки ёш корхонада бир неча йиллардан буён ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Корхонанинг уларга кўрсатган бу мурувватти ёшларнинг ҳаётида ўчмас из қолдириши, шубҳасиз.

Бундан ташқари, корхона томонидан шу куни кам таъминланган 41 оила фарзандларининг ҳам хатна тўйлари ўтказилди. Уларга тўй либослари кийгизилиб, ҳар бир тўй бола учун омонат дафтарчалари очилди ва корхона томонидан 15 минг сўмдан маблағ қўйилди.

Тадбирда иштирок этган 100 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига мурувват ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, кечада корхонада самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ ишчи ва хизматчилар ҳам саховатдан бебаҳра қолмадилар.

Қобилжон Тўхтаев раҳбарлик қилаётган Ҳисоролди нефт-газ қидирув экспедициясида ҳам бўлиб ўтган ана шундай хайрия тадбирида 9 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларнинг хатна тўйи нишонланди. Уларга тўй либослари кийгизилди. Ҳар бир тўй бола учун омонат дафтарчалари очилиб, корхона ҳисобидан 10 минг сўмдан маблағ қўйилди.

С.ЎЛЖАЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Ғузор тумани бўлинмаси раиси.

ҚАРШИДА "ФЬЮЧЕРС" ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Шаҳардаги марказий теннис кортида анъанавий "Фьючерс" Халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва бир қанча чет давлатлардан келган теннисчилар иштирок этдилар.

Вилоят ҳокими Н.Зайниев ҳамда турнир супервайзери Хани ал-Ҳафиф мусобақа қатнашчиларини қизғин табрикладилар.

Дастлаб турнирнинг еттинчи ракеткаси россиялик Вадим Давлетшин ҳамда саралаш бахсларини муваффақиятли якунлаб, асосий турга қўшилган чехиялик Лукас Росол кейинги босқичга чиқиш учун беллашдилар. Уч соатга яқин давом этган жангда В.Давлетшин устун келди.

Қашқадарё вилоятининг ягона вакили—қаршилик А.Номозов ҳиндистонлик Кумар Сипаяга, яна бир ҳамюртимиз F.Эшматов эса россиялик Павел Лобановга имкониятни бой беришди. Турнирнинг энг шов-шувли натижаси россиялик Андрей Столяровнинг мусобақани тарк этиши бўлди. У жаҳон теннис таснифида ўзидан 318 поғона ортда бораётган юртдоши Сергей Поздневга икки сетда ютқазиб қўйди.

Жуфтликлар ўртасида ўтган ярим финал бахсида Буюк британиялик Жеймс Эукланд ва россиялик Флипп Мухаметов жуфтлиги россиялик Игорь Куницин ва Дмитрий Власовлар билан финал йўлланмаси учун кураш олиб борган бўлса, иккинчи ярим финалда хорватиялик Иван Церович ва македониялик Лазар Магдинцев украиналик Сергей Стаховский ва чехиялик Яри Венцега қарши майдонга чиқди. Якка тартибдаги баҳсда ярим финал ўйинлари Д.Власов билан К.Капкович ва В.Давлетшин ва И.Куницин ўртасида бўлиб ўтди. Финалда эса В.Давлетшин мухлисларнинг қўллаб-қувватлашлари остида Д.Власовни мағлуб этди ва халқаро теннис турнири ғолибига айланиб, кубокни қўлга киритди.

Э.ҚУРБОНОВ

Тошкент шаҳри

"ОИЛА"ДА ТАДБИР

Яқинда Тошкент шаҳар "Оила" маркази биносида "Меҳр ва мурувват йили" дастурини амалга оширишга бағишлаб, "Меҳр ва мурувват — барчага мадад" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар "Оила" маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда "Меҳр ва мурувват йили" дастурини амалга оширишда аёлларнинг вазифалари, бола тарбиясида оила ва маҳалланинг роли, соғлом оилани шакллантириш каби долзарб масалалар ҳақида сўз борди.

Шунингдек, сўзга чиққан Тошкент шаҳар "Оила" маркази директори Г.Йўлчиева бугунги кунда инсонлар қалбида қайта жонланаётган ва ҳаётимизда ўзининг амалий тасдиғини топаётган саховат, меҳр-оқибат тушунчалари ҳақида гапириб, бундай азалий тушунчалар меҳр ва мурувват йилида янада кенгроқ ҳаётимизга, кундалик турмушимизга сингиб кетаётгани ҳақида таъкидлади.

МУХБИРИМИЗ

Обуна-2004

Mahalla

— Яна нима дейди?

— Газета ўқиб туринг, — дейди.

БЎЛАЖАК ПАРЛАМЕНТ ТАРАДДУДИ

УНДА САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

2003 йилда ташкил этилган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ўз атрофида фуқаролик жамияти асосларининг ижтимоий-гуманитар ва социал-иқтисодий муаммоларини тадқиқ этувчи йирик олим-таҳлилчиларини бирлаштириб юртимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади.

Яқинда пойтахтда ушбу институт томонидан «Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари: тажрибалар, муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги семинар-тренинг ташкил этилди. Унда «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошқарув ва вилоятлардаги бўлимлари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва олимлар иштирок этдилар. Семинар-тренингдан кўзланган мақсад — Ўзбекистон сайлов қонунчилигидаги сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига бағишланган қисмини тарғиб қилишдир. Тренинг интерфаол услуб, техник воситалар ва ўйинли вазиятлардан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Тренинг иши беш босқичда бўлиб, уларда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлажак сайловлар, унинг халқимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамияти, сайловолди тадбирларни ўтказиш босқичлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан депутатликка номзодларни илгари суриш, номзодларга қўйиладиган талаблар билан боғлиқ масалалар ўрганилди.

МУХБИРИМИЗ.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ЯНА БИР ЁВУЗ НИЯТИ

Одатда сенсация деганда, ғайриоддий, кутилмаган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги янгилик тушунилади. Лекин куни кеча Иордания хавфсизлик хизмати тарқатган янгилик аслида рўй бермаган воқеа тўғрисида бўлса-да, уни сенсация деб аташга тўла асос бор.

Негаки, Иордания пойтахти Уммонда камида 20 минг, баъзи ҳисоб-китобларга қараганда эса, 80 минг кишининг ёстиғини қуритиши мумкин бўлган террорчиликнинг олди олинди.

Ўтган душанба куни Иордания телевиденияси орқали намойиш этилган кўрсатувда мамлакат разведкаси томонидан қўлга олинган шахслар ўз режаси ҳақида гапирди. Гуруҳ раҳбари Азмий Жаусий сафдошлари билан Иордания хавфсизлик хизмати ҳамда АҚШ элчихонаси биносини портлатиш ниятида бўлганини айтди. Бунинг учун улар 20 тонна портловчи ва кимёвий моддалардан фойдаланиш ниятида бўлган экан. Террорчиларнинг айтишича, улар юк машиналари харид қилишга ва уларга «юк»ни ортишга ҳам улгурган.

«Жордан таймс» газетасида ёзилишича, айни пайтда мамлакат ҳудудига кирган ўн террорчининг олти нафари ҳибсга олинган. Қолган тўртови эса юз берган отишма пайтида ҳалок бўлган.

Маълум бўлишича, режа бошида «Ал-Қоида» йўлбошчиларидан бири, айни пайтда Ироқ ҳудудида яшириниб юрган Абу Мусо Зарқавий турган. У Азмий Жаусий гуруҳини Иордания ҳудудига киритиш ва маблағ билан таъминлашда бошқош бўлган.

Душанба куни намойиш этилган кўрсатувда иштирок этган мутахассисларнинг айтишича, террорчиларнинг нияти амалга ошганда, 80 минг киши қурбон, 160 минг киши мажруҳ бўларди. Ҳавога пуркалган кимёвий моддалар эса портлаш таъсирини янада кучайтириб юборарди.

Иордания махсус хизмати вакилларининг маълум қилишича, гуруҳнинг барча аъзолари март ойида ҳибсга олинган. Улар томонидан харид қилинган портловчи ҳамда кимёвий моддалар ортилган беш юк машинаси апрел ойи давомида топилган ва зарарсизлантирилган.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЙИҒИНЛАРДА САЙЛОВЛАР

ЭНДИ УЛАР ҚОНУН АСОСИДА БЎЛАДИ

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси.

(Давоми.Боши 1-саҳифада)

Лойиҳанинг 19-моддасига ҳам жиддий ўзгартиш киритилган бўлиб, унга кўра фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича саноқ комиссиясини сайлашнинг очиқ ва ёпиқ усуллари қўлланишлиги белгилаб берилди. Бундай жараён саноқ комиссиясини сайлашда демократик тамойилларга мос келади.

Биринчи ўқишдаги лойиҳанинг 25-моддаси биринчи қисмига ҳам жиддий қўшимча қилинди. Маълумки, бу ерда сайловни ўтмаган, деб ҳисоблаш учун фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этганлиги кўрсатилган бўлиб, фуқаролар вакиллари йиғилишда бўлиб ўтган сайловни қандай ҳолда ўтмаган деб ҳисоблаш кўрсатилмаган эди. Энди киритилаётган қўшимчага кўра, сайлов фуқаролар вакиллари йиғилишида ўтказилган тақдирда, агар бу йиғилишда вакилларнинг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

— Мазкур Қонун лойиҳасини ишлаш ва қабул қилишга сабаб бўлган эҳтиёж ва омиллар тўғрисида қисқача тушунтириш берилса...

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёни фуқаролик жамияти асосий бўғини ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги энг демократик ҳодисадир. Сайлов асосида фуқаролар йиғининг нафақат раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, балки мазкур органнинг бутун тизими фаолиятда бўлиш учун ҳуқуқий куч олади. Бу органларга сайловлар эса ҳозирги пайтда махсус Қонун асосида эмас, балки "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги Қонун ҳамда бир неча қонун ости ҳужжатлари асосида ўтказилади. Демак, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу жараённи махсус Қонун билан ҳуқуқий тартибга солинишини англатади. Ўйлаймизки, ушбу Лойиҳанинг қабул қилиниши ҳозирги вақтда бу тизимдаги сайловларда учраб турадиган муаммоларни ва ноаниқликларни бартараф этади, шунингдек бундай сайловларнинг демократик барқарорлигини оширади.

— Мазкур Қонун лойиҳасини қабул қилишнинг асосий мақсади нимадан иборат?

— Қонунни қабул қилишдан мақсад мустақил нодавлат тузилма бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларини сайлаш жараёни эркинлиги ва ихтиёрийлигига ҳеч ҳам рахна солмаган ҳолда бу жараёнларнинг қатъий ҳуқуқий асосда бўлишини, ҳамма жойларда бир хилда амалга ошишини ҳамда уларнинг ҳар бир фуқаро учун кафолатланганлигини ва эркин иштирок этишлигини таъминлашдир. Эндиликда Қонун ҳар бир

фуқаронинг жамоа тизимидаги сайловда қатнашиш ҳуқуқи ва имкониятларини ойдинлаштириб беради.

— Қонун лойиҳаси қизғин умумхалқ муҳокамаси жараёнида бўлди. У бўйича матбуотда ҳам бир қанча мақолалар берилди ва муносабатлар билдирилди. Мана шу таклиф ва мулоҳазалар ичида мунозараларга сабаб бўлган Лойиҳанинг қандай меъёрларини кўрсатиб ўтиш мумкин?

— Лойиҳада ифода этилган айрим қоидалар бўйича бир хил маънодаги кўплаб таклифлар алоҳида диққатга сазовордир.

Кўпчилик фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни Қонунда белгиланганидек 2,5 йилга эмас, балки 3 ёки 5 йилга узайтиришни таклиф этганлар. Фуқароларимизнинг бундай таклифлари эътиборга лойиқ. Бироқ Конституциямизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг ваколат муддати икки ярим йил қилиб белгиланганлиги ушбу муддатни узайтириш тўғрисидаги фикрларни алоҳида қонунда ифодалашни инкор этади. Бундан ташқари, фуқаролар йиғини фуқаролик жамиятининг асосий бўғини бўлгани учун мазкур органларда демократик жараёнлар тез-тез такрорланиб туриши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) 2,5 йилга сайлангани маъқул деб, ҳисоблаймиз.

Лойиҳанинг 14-моддасида белгиланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун топшириш тўғрисидаги қоидага кўпчилик фуқаролар эътироз билдириб, бундай амалиётга барҳам бериш лозимлигини таъкидлаганлар. Бундай таклифларга жавоб тариқасида қуйидагиларни айтиш лозим. Биринчидан, ҳар қандай фуқаролик жамияти ва унинг институтлари мавжудлигининг асосий омили уларнинг давлат ва унинг институтлари билан чамбарчас боғлиқлигидир. Фуқаролик жамияти ҳам, давлат ҳам ўз функцияларини бир-бири билан мувофиқлаштириб туради, бир-бирини мувозанатда ушлаб, тийиб туради. Шундай механизмларсиз уларни тасаввур этиш мумкин эмас. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га номзодларни туман, шаҳар ҳокими билан келишиш ана шу жараёнларнинг кичик бир бўлагидир. Иккинчидан, лойиҳанинг 14-моддасида белгиланган қоида шахс, жамият ва давлат муносабатларида якдиллик, бир ёқадан бош чиқариш ҳамда тенг масъулиятлар бўлиши учун асос яратади, деб ҳисоблаймиз. Учинчидан, фуқаролик жамиятида жараёнларни умумдавлат манфаатларига мослаштириш кўпгина хорижий давлатлар тажрибасида ўзини оқлаган амалиёт ҳисобланади.

Бир туркум таклифлар лойиҳанинг 14-моддаси биринчи қисмида белгиланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларнинг олий маълумотли бўлиши тўғрисидаги талабга тегишлидир. Айрим фуқаролар Қонунда бундай маълумот цензни белгилашга эътироз билдирмоқдалар. Фуқаролар яшаш жойларида олий маълумотли бўлмаган, лекин аҳоли орасида обрў-эътибор қозонган, тажрибали, фаол, шундай масъулиятли лавозимни бемалол эплайдиган кишилар бўлишлиги ва уларни номзод қилиб кўрсатмаслик нотўғри бўлишлигини таъкидламоқдалар.

Биз бундай таклифлар бўйича шуни маълум қиламизки, лойиҳада номзодларнинг ҳаммалари олий маълумотли бўлишлари тўғрисида эмас, балки қоида тариқасида шундай маълумотга эга бўлиши ҳақида гап кетмоқда. Бу деган гап олий маълумоти бўлмаган шахслар ҳам раис (оқсоқол) бўлишига Қонунда имкон борлигини билдиради.

Ч.ЛАТИПОВ суҳбатлашди.

Н.ЧОРИЕВ,
Қумқўрғон тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати.

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

"Обод маҳалла йили" дастури асосида амалга оширган ишларимиз бугунги кунга келиб меҳр-мурувват ва саховатпешалик юмушларига уйғунлашиб кетганлиги киши қалбига ажиб бир сурур бағишлайди. Зеро, саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси ўтган йилги фаолиятимизнинг узвий давоми, десам хато бўлмайди.

Туманда фаолият юритаётган 8 та қишлоқ, 54 та маҳалла фуқаролар йиғини, 126 та корхона, ташкилот, муассаса, ширкат хўжаликлари жамоаларининг диққат-эътибори янги-янги уй-жойлар қуриш, мавжуд биноларни таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишга қаратилди.

Болалар спорти ривожлантирилди. Аҳолининг табиий газ ва ичимлик сувига бўлган талаби тўлароқ қондирилди. Ички кўчаларнинг кўпчилигига асфальт ётқизилди. Янги-янги корхоналар таркиб топганлиги туфайли аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари туғилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1843 та янги иш ўрни яратилди. Унинг 648 таси якка тартибдаги тадбиркорликни йўлга қўйиш, 18 таси кичик корхоналар ташкил этиш, 905 таси деҳқон-фермер хўжаликларига қўшимча ер ажратиш, 10 таси оилавий кичик бизнесни ривожлантириш ва ниҳоят 92 таси банклардан ажратилган кредитлар ҳисобига яратилди.

Бунёдкорлик ишимиз бевосита туманимиз аҳолисининг турмушидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан боғланиб кетган. 2003 йилда 8 та маиший хизмат шахобчаси ишга туширилиб, ҳозирда уларнинг умумий сони 386 тага етказилди. Аҳолига жами 306 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Шунингдек, туманда 260 ўринли умумий овқатланиш корхоналари, 700 кв.метр жойда савдо дўконлари ташкил этилди. 35300 кв.м. уй-жойлар қурилди. 23,1 км табиий газ, 18,5 км тоза ичимлик суви қувурлари тортилди. Маҳаллалар халқ билан бирдам. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Боғаро, М.Хўжақулов, Нефтчилар, Адларсой, Боботоғ маҳаллаларига қарашли 16 километрдан ортиқ ички кўчалар қайта таъмирланди. Умуман олганда, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларидаги 46 километр йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилди.

Ҳа, ўтган йилда қўлга киритган ютуқларимиз салмоғидан қувонсак бўлади. Аммо Меҳр ва мурувват йилида қабул қилган дастуримизда белгиланган вазифалар кўлами зиммамизга янада улканроқ масъулият юклаяпти, шижоаткорона меҳнат қилишга ундамоқда. Негаки, дастур инсон қадриятларини кўтариш, эҳтиёжманд одамларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ногиронларни, етим-есирларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга моддий ёрдам бериш каби қатор инсонийлик фазилатлари билан йўғрилган.

Албатта, саховат ва эзгулик ишлари кунда керак. Лекин бу 2004 йилда янада чуқурроқ мазмун-моҳият касб этаётганлиги билан ҳам характерлидир. Бу хайрли ишга тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар, ширкат ҳамда фермер хўжаликлари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳомийлик қилишмоқда. Ўтган уч ойда кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисидан жудо бўлган кишилар, якка-ёлғизларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказдик. Шунингдек, марказий шифохона, қатор қишлоқ шифохона пунктлари, мактаблар ва болалар боғчаларини бошдан оёқ қайта таъмирлаш чораларини кўрганмиз. Спорт иншоотлари қурилишига марказлашган бюджет маблағлари ҳисобидан 219,9 миллион сўм, маҳаллий бюджетдан 108 миллион сўм пул ажратганмиз. Бунёдкорлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Демак, ҳали бажарадиган ишларимиз кўп. Биз кўраётган чора-тадбирлар халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашга, мавжуд муаммоларни тезда бартараф этишга қаратилгандир. Зотан, халқ манфаати йўлида хизмат қилиш улуғ бахт эмасми?! Агар ўйлаб қарасак, бу ишларнинг амалга ошиши кўп жиҳатдан маҳаллалар йиғинига, уларнинг раҳбарларига боғлиқ. Уларнинг жамиятдаги ўрни катта.

Маълумки, бугун юртимизда Олий Мажлиснинг навбатдаги XIV сессиясида иккинчи ўқишда муҳокама қилинадиган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг лойиҳаси муҳокамаси қизғин давом этмоқда. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик жамиятининг негизи ва асоси ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид бундай қонун ишлаб чиқилиши демократик тамойилларни устивор билган ҳар бир фуқаро учун кўнгилли ҳол деб баҳоланди. Зотан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бу органлардан бирининг фуқароси ҳисобланади. Унинг раҳбарларининг ким бўлиши учун эса фуқаролар бефарқ эмас. Агар матбуотда эълон қилинган, бу қонун муҳокамаларида ўртага ташланган фикрларга эътибор қаратсак, бўлажак Қонуннинг муҳокамасида фақат мутахассис ёки соҳа кишилари эмас, оддий фуқароларнинг ҳам фаоллигини кўрамиз. Ҳар ҳолда, туманимизда ўтказилган тадбирларда шу ҳолат яққол кўзга ташланди. Ўйлайманки, депутатлар ҳам бу Қонуннинг қабул қилиниши учун фаол ва янада масъулиятли бўладилар.

Сурхондарё вилояти

"Mahalla" дарсхонаси

ФАОЛИЯТИНГИЗГА ОИД ҚОНУНни ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?

Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва раис маслаҳатчиларини сайлаш тартиби

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчилари 2,5 йил муддатга сайланадилар. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса — йиғин раиси (оқсоқоли)нинг тақдимномаси бўйича сайланадилар.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, агар фуқаролар йиғинида ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланадилар. Агар тақдим этилган шахслар зарур миқдорда овоз ололмасалар, кўриб чиқиш учун бошқа шахслар тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида фуқаролар йиғини ҳақида тегишли таъриф берилган бўлиб, унда йиғин раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчиларининг 2,5 йил муддатга сайланиши қайд этилган. Қонунда ҳам ушбу ҳолат эътироф этилган.

Баъзи ҳолларда тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, деган иборанинг нотўғри талқин қилиниши баъзи бир мулоҳазаларни юзага келтиради. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керакки, оқсоқол номзодини танлаш ва уни сайлашда энг ҳал қилувчи хулосани фуқаролар яъни сайловчилар айтади. Чунки ҳар бир номзоднинг сайланиш-сайланмаслиги фақат сайловда овоз бериш натижаларига кўра аниқланади.

Демак, ушбу моддада йиғин раисининг маслаҳатчилар танлашдаги ваколати ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Яъни, йиғин раиси йиғилишга маслаҳатчилар номзодини тақдим этади. Йиғилиш қатнашчилари эса уларни сайлаш тартибини белгилаб (якка тартибда ёки умумий рўйхат билан), уларга нисбатан ўз муносабатларини овоз бериш орқали билдирадилар. Бу ўринда ҳам охирги ҳал қилувчи ролни сайловчилар ўйнайди.

* * *

Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолнинг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Раис (оқсоқол)нинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда;

у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддаси

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, раис (оқсоқол)нинг ваколатларини тугатиш масаласида айнан мазкур Қонун талабларини тўғри англамаслик оқибатидаги хулосалар анчагина мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу ўринда кўплаб суд жараёнлари ҳам бўлиб ўтмоқда. Баъзи ҳолларда раис фаолиятини тўхтатишни қайсидир ташкилот, асосан ҳокимлик томонидан чиқарилган фармойишга боғлаб қўйиш ҳоллари юз бермоқда. Бу ўринда яъни "у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда" дейилганда раиснинг ўз ихтиёрига кўра вазифани соқит қилиши тўғрисидаги ёзма мурожаати назарда тутилади.

Иккинчи ҳолатда эса фуқаролар йиғини тегишли қонунлар доирасида туриб иш кўради. Яъни, уни вазифасидан озод қилиш учун асосли сабаблар бўлган ҳолда йиғиннинг тегишли тартибдаги йиғилишида қарор қабул қилинади.

Шунингдек, раиснинг белгиланган тартибда муомалага лаёқатсизлиги туфайли вазифасидан озод этилиши ҳам фақат бу борада тегишли хулоса бериш ваколати бўлган муассаса тавсияси асосида амалга оширилади.

Маълумки, суднинг айблов ҳукми фақат жиноят содир қилган шахсга нисбатан эълон қилинади. Бу ўринда фуқаролик ишлари юзасидан бўладиган суд жараёнлари назарда тутилмайди.

Самарқанд вилояти

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

УЙ-ЖОЙНИ ТАЪМИРЛАШ МУАММОСИ

УНИ МАҲАЛЛА ВА УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТИ ҲАМКОРЛИКДА ЕЧА ОЛАДИ

Яқинда пойтахтда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), Урбан институти (Тошкент лойиҳаси) ҳамкорлигида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Анжуманда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев, Урбан институти (Тошкент лойиҳаси) раҳбари Ирина Генцлерлар маъруза қилдилар.

Урбан институти (Тошкент лойиҳаси) ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ўртасида ҳамкорлик фаолияти юзасидан шартнома имзоланди.

Давра суҳбатида Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва Фарғона водийси УМШ ассоциациялари, маҳалла фуқаролари йиғини раислари, Урбан институти (Тошкент лойиҳаси) вакиллари иштирок этдилар.

Ушбу давра суҳбатидан кўзланган мақсад фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамкорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини таъминловчи ва ҳар икки томонга манфаат келтирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат эди.

Энг муҳим ва тез-тез учрайдиган муаммолар, уларнинг ечими юзасидан ўтказилган давра суҳбатида иштирокчиларнинг фикрлари тингланди, сўровлар ўтказилди.

Давра суҳбати баҳс-мунозараларга бой, қизиқарли тарзда ўтди. Мунозаралар давомида муаммоларга ечим излашда, аввало уларни юзага келтирувчи сабабларни ўрганиш ва бартараф этиш самаралироқ, деган фикр илгари сурилди. Давра суҳбатида, шунингдек фуқароларнинг маҳаллий бошқарувдаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг жамиятда кечаётган ислоҳотлар, жараёнлардаги масъулиятини ошириш масалалари ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Давра суҳбати иштирокчилари ўртага ташланган ҳар бир масалага жиддий ёндашиб, гуруҳларга бўлинган ҳолда ишладилар.

Анжуман якунида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва УМШлар ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳларининг тавсиялари кўриб чиқилди.

МУХБИРИМИЗ

СОЛИҚЛАР ВАҚТИДА ТЎЛАНСА...

пенсия ва нафақалар тўлови ҳам кечикмайди

— Асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган Нарпай тумани мустақиллик йилларида ўз ҳаётида ёрқин саҳифалар очмоқда, — дейди туман ҳокими Акбар ЖАМИЛОВ.

Тумандаги 56 та маҳалланинг деярли барчаси туман давлат солиқ инспекцияси билан ҳамкорликни йўлга қўйишган. Туманда 16516 та пенсионер бўлиб, бир ойда ўртача 230 млн сўмлик нафақа пули тарқатилади. Бугунги кунга келиб, пенсионерларимиз ўз вақтида пенсия пулларини олишмоқда. Бунда нақд пул тушумининг ўз вақтида бажарилиши катта роль ўйнайди. Шу боис, маҳалла оқсоқоллари туман давлат солиқ инспекцияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Нарпай тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Абдували Мустановнинг айтишича, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида тез-тез таъкидланаётган , телевидение рекламаларида қайта-қайта эфирга узатилаётган "чек олишни унутмадингизми?" ибораларининг ҳаётдаги амалиёти туман миқёсида йўлга қўйилмоқда. Албатта, бу борада маҳалла оқсоқолларининг хизматлари катта. Туман ДСИ ходимлари халқнинг ичига кириб борди. Бу ўз-ўзидан ДСИ билан халқ ўртасида ўзаро ишонч-ҳурматга йўл очади.

— Ҳар қандай давлатда солиқчини яхши кўришмайди, ахир бировнинг пулини олиш ёмон-да. Биз эса халқ билан солиқчи ўртасидаги деворни қулатдик. Халқимиз англаб етдики, солиқни ўз вақтида тўлаш катта-катта қулайликларни яратади, — дейди А.Мустанов. — Бу борада Нарпай тумани ДСИ инспекторлари Неъмат Алимов, солиқ хизмати полковниги, биринчи даражали маслаҳатчи Маҳаммадсолиҳ Ибрагимов, Азамат Қобиловлар бошқаларга ибрат қилиб кўрсатадиган даражада хизмат қилмоқда.

Қорасийроқ, Қоракўл, Қадим каби қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг ўзлари солиқ инспекторларини даъват қилиб, ҳамкорликда ишлашмоқдалар. Солиқчиларнинг ўзлари ҳам маҳаллаларга бориб, фуқаролар билан юзма-юз суҳбатда бўлиб, тушунтириш ишларини олиб бораётир.

Азимжон ҚОДИРОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТЛАРДА: **солиқчилар маҳаллада**

«M.R»

НАВОИЙЛИК ЗАНГОРИ ОЛОВ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

ГАЗЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

Юртимизнинг ижтимоий- иқтисодий салоҳияти фуқароларнинг турмуши қай даражада фаровон эканлиги билан белгиланади. Шундай экан, ҳар бир оиланинг фаровонлиги маҳалла ободлигига, маҳалла ободлиги эса мамлакат салоҳиятининг юксалишига ҳисса қўшади.

Шу боис, юртимизнинг энг чекка гўшаларини ҳам табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Навоий вилоят газчиларининг ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлари самарасини юқори баҳолаш мумкин.

Айни кунда вилоятда:

*** 102401 та хонадон табиий газ билан таъминланган;**

*** Улардан 70 фоизига газ ўлчагичлар ўрнатилган;**

*** Фойдаланилаётган газ қувурлари 314,4 км ни ташкил қилади;**

*** 2003 йилда 15 та қишлоқ газлаштирилди;**

*** Капитал таъмирлаш ишлари 134 фоизга бажарилди.**

СУРАТДА: вилоят газ ҳисоблагич ускуналарини тузатиш устахонаси ходимлари Б.МИРЗАЕВ ва Б.ҒАНИЕВ.

ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ — КРЕДИТГА

Халқимизнинг маданий фаровонлигини ошириш, турмуш савиясини кўтариш борасида давлатимиз бир талай қарорлар қабул қилди. Бу халқ манфаати ва мамлакат манфаатини кўзлаб қабул қилинган оқилона тадбирлардир.

Хонадонларга кредит ҳисобига газ ҳисоблагич ўрнатиш — аҳоли учун энг қулай имкониятдир. Моддий томондан қийналиб турган оилалар учун бу айни муддаодир.

Ҳозирги кунгача туманимизда газлаштирилиши керак бўлган хонадонлар сони 20600 тани ташкил этиб, шундан 18500 хонадон газлаштирилди. Бу туман бўйича аҳолини табиий газ билан таъминлаш 85 фоизга бажарилди деганидир. Ушбу Меҳр ва мурувват йилида бу кўрсаткични 100 фоизга етказишга ҳаракат қиляпмиз. Хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатиш учун туманда ўз соҳасининг етук мутахассисларидан тузилган 11 та гуруҳ фаолликлик билан иш олиб бораяпти. Ҳозирда туманда кунига 50-60 газ ўлчагич асбоблари ўрнатилмоқда. Айни пайтда газ ҳисоблагичлар ўрнатиш кўрсаткичи туман бўйича 60 фоиздан ошди. Бу борада биз ўзини-ўзи бошқариш органлари билан бевосита иш олиб бормоқдамиз. Жумладан, С.Раҳимов, Самарқанд, Чинобод, Парахун, Оқ-олтин қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва фаоллари яқин хамкорларимиз ҳисобланади.

Ҳар бир маҳаллада "Газчилар бурчаги" ташкил қилинган бўлиб, уларда газдан фойдаланиш ва унинг учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишга доир аҳоли учун керакли маълумотлар мужассам этилган.

Бугунги кунда туманимиз бўйича 902 километр юқори, 169,6 км ўрта ва 529 км паст босимли газ қувурлари, 535 дона газ тақсимлаш қурилмалари мавжуд.

18500 хонадонга, 295 та турли ташкилотлар, корхоналар ва хусусий тадбиркорларга табиий газ бир меъёрида узлуксиз етказиб берилмоқда. Таъкидлаш жоизки, фаолиятимизда ютуқлар билан бирга камчилик, муаммолар ҳам мавжуд. Туманнинг чекка қисмидаги Майдонсой, Оқтепа, Чағиркўл, Полпол қишлоқларини ҳам табиий газ билан таъминлаш айни кунда олдимизда турган асосий вазифадир. Корхонамизда 103 та ходим хизмат қилади. Биз улар ёрдамида яқин вақт ичида бу муаммоларни бартараф этамиз.

Бахтиёр НИЗОМОВ,
"Хатирчигаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси филиали директори.

СУРАТДА: Конимех тумани газ таъминоти корхонаси раҳбари Эркин Кенжаев (чапдан иккинчи) Телемен маҳалласи оқсоқоли Низомиддин Фармонов (ўнгдан иккинчи) ва маҳалла фаоллари билан ўзаро ҳамкорлик хусусида суҳбатлашмоқда.

МУҲТОЖЛАРГА МУКОФОТ

Истиқлол шарофати билан ярим чўл ҳудудида жойлашган туманимизда аҳолини табиий газ билан таъминлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Туман газ таъминот идораси раҳбари Э.Кенжаев ташаббуси билан ҳар бир кўча ва қишлоққа газчилар ва маҳалла фаолларидан вакиллар бириктирилди. Натижада газдан фойдаланганлик учун тўловлар тўлиқ ундирилди. Бунинг эвазига туманимиздаги тўловларни ўз вақтида амалга оширган маҳаллаларнинг ҳисоб рақамига 600минг сўмдан ортиқ маблағ рағбат сифатида ўткакзилди. Бу маблағлар ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга мурувват ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, газчилар билан ҳамкорлик қилишда фаол иштирок этган маҳалла ҳодимлари ҳам рағбатлантирилди. Бир қанча кам таъминланган оилаларга туман газ таъминоти идораси ҳисобидан текинга газ ҳисоблагич ўрнатиб берилди. Бизнинг маҳалламизда ҳам газ ҳисоблагич ўрнатиш ишлари 70 фоизгага бажарилди. Йил охиригача барча хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатиб бўлинади.

Низомиддин ФАРМОНОВ,
Конимех тумани Телемен маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

ТЕЖАМКОРЛИК — БАРЧА УЧУН ФОЙДАЛИ

Корхонамиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятимизга тегишли бир қатор қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Ўз-ўзидан маълумки, бу қарорлардан кўзланган мақсад аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш ва газдан тежаб-тергаб фойдаланишга эришишдир. Бунга эришиш учун 2005 йил 1 январгача газ билан таъминланган барча хонадонларга газ ўлчагич асбобларини ўрнатиш, ёқилғи сарфи тўловларини ўз вақтида амалга оширишдан иборатдир.

Халқимизда "Тежамкор киши — қашшоқлик кўрмайди", деган нақл бор. Масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, миллий бойлигимизни исроф қилмасдан фойдаланиш, газ ҳисоблагичларни ўз вақтида ўрнатиш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Энг аввало, ҳисоблагич ўрнатилган ҳудудларда газдан фойдаланганлик учун тўловларни тўлашда ҳисоб-китоблар аниқ бўлади, яъни истеъмолчининг маблағи, вақти тежалади. Қолаверса, хонадон соҳиблари ҳам табиий бойлигимизни тежаб, эҳтиёж доирасида ишлатадилар, натижада газ тежалади. Вилоят ҳудудий газ таъминоти корхонаси ер ости ва ер усти газ қувурларининг аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши учун ҳар йили капитал ва жорий таъмирлаш ишларини олиб бораяпти.

Жумладан, 2003 йил режадаги 9,9 км ўрнига 13,3 км қувурларда капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Айрим ҳудудларда қиш фаслида газ етишмовчилиги муаммосини бартараф этиш мақсадида қишки мавсум олдидан "Навоийгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан 7,3 км боғлама газ қувурлари тортилиб, Хатирчи ва Навбаҳор туманларининг бир неча қишлоқларида газ таъминоти яхшиланишига эришилди. Вилоят бўйича 2003 йилда 15 та қишлоқ газлаштирилиши режалаштирилган эди. Бугунги кунгача бу кўрсаткич 16 тага етди. Газ ҳисоблагичларнинг афзаллигини аҳолига тушунтириш, тўловларни ўз вақтида йиғиш борасида йиғинлар оқсоқоллари ва фаоллари биз билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Чунки маҳалла қанчалик обод бўлмасин, у табиий газ билан таъминланмаган бўлса, у том маънодаги обод маҳалла бўла олмайди. Шуни ҳисобга олиб, вилоятдаги барча қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари биз билан ҳамкорлик қилишга интилмоқдалар.

Баҳодир МАНСУРОВ,
"Навоийгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси директори.



СУРАТДА: Хатирчи тумани газ таъминоти шўъба корхонаси ходими Абдурасул НУРМАТОВ (чапдан) истеъмолчилар билан доимо яқин мулоқотда.

БИЗДАН ҲАРАКАТ...

Беҳисоб шукрлар бўлсинки, бир вақтлар тезак, ўтин ёқиб, не машаққатлар билан турмуш кечирган халқимиз бугунги кунда зангори оловдек неъматдан баҳраманд бўлмоқда. Ўз ўрнида истеъмолчиларимиз ҳам бу неъматнинг қадрига етиши, ундан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймасликлари даркор.

Йиғинимиз таркибида тўртта маҳалла бўлиб, маҳалладошларимиз бир оила фарзандидек аҳил ва иноқ. Ҳар бир хайрли ишга тезда бирлаша олишади. Ҳозирда йиғин ҳудудидаги мавжуд хонадонларнинг 90 фоиздан кўпроғи табиий газдан баҳраманд бўлишмоқда. 70 фоиздан зиёдроқ қисмига эса газ ҳисоблагич ўрнатилган. Буларнинг барчаси нафақат маҳалла фаолларининг тарғибот-ташвиқот ишлари, балки халқнинг бу қулайлик моҳиятини англаб етганлиги натижасида амалга ошди. Шунингдек, газ ҳисоблагич ўрнатиш — тежамкорлик гарови эканлигини ҳам одамлар аллақачон тушуниб етишди. Шу сабабли, туман газ таъминоти идораси ходимларига ҳам биз билан ҳамкорлик қилиш анча осон кечмоқда. Улар билан биргаликда ишлашимиз ҳар икки томонга манфаатли бўлмоқда. Йил охиригача ҳудудимизнинг табиий газ билан тўлиқ таъминланишига ва барча хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатилишига эришамиз.

Абдулло РАЖАБОВ,
Қизилтепа туманидаги Ғардиён қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Туманимиз чўл ҳудудида жойлашган бўлсада, ҳозирги кунда ҳудудда 4300 та хонадон, 80 фоиз аҳоли пунктлари газлаштирилган. Туман марказида эса бу кўрсатгич 98,4 фоизни ташкил этади. Туманимиз бўйича 214 км юқори, ўрта ва паст босимли газ қувурлари, 120 дона газ тақсимлаш қурилмалари мавжуд бўлиб, 4300 та хонадон, 60 та корхона ва ташкилотларга табиий газ белгиланган меъёрида узлуксиз етказиб берилади. Айни кунда ҳудуд газ таъминоти корхонаси филиалида 66 та ишчи-хизматчи, чилангар ҳамда назоратчилар туман аҳолисига хизмат кўрсатмоқдалар.

Халқимизда "Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас", деган нақл бор. Фойдаланилган табиий газ учун тўловларни аҳоли томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ижобий ишлар амалга ошириляпти. Корхонамиз тумандаги маҳаллалар билан шартнома тузиб, ойма-ой пул тушуми режаларини бажариб бормоқда. Ҳамкорликни ривожлантириш ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида аҳолидан тўловларни йиғишда кўмаклашган маҳаллаларнинг ҳисоб рақамларига 3 млн. 24700 сўм маблағ ўтказилди. Бундан ташқари, молиявий таъминоти яхши бўлган ширкат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар ўз ишчи-хизматчиларига бюджет маблағлари ҳисобидан газ ўлчагич ускуналари олиб беришди. Шунингдек, деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам шундай ҳамкорлик ишларини амалга оширишди. Бугунги кунда туманимизда газ ўлчаш ускуналарини ўрнатиш ишларига 6 та газчилар гуруҳи жалб қилинган. Улар кунига 25-30 дона шундай асбобларни ўрнатишмоқда. Наврўз, Шўртепа, Бирлик маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бу борада энг яқин ҳамкоримиздир.

Биргаликда олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда туман бўйича аҳолининг газ ўлчагичлар билан таъминланганлик даражаси 90 фоизни ташкил қилади. Бу эса туман ҳудудий газ таъминоти филиали ходимларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилотлар билан биргаликда олиб борган ишларининг натижасидир. Зеро, халқимизнинг "Тўртовлон тугал бўлса, тепадагин туширар" деган нақли ўз исботини топмоқда. Шунингдек, корхонамиз Обод маҳалла, Меҳр ва мурувват йилларида бир қанча хайрли ишларни амалга оширди. Меҳнат ва уруш фахрийларидан А.Азирбаев, П.Нормуродов, Х.Худойбердиева ҳамда ишчи хизматчиларга пул маблағлари, туман бокс федерациясига, туман марказидаги мактабга жами беш минг сўмлик мурувват ва ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Маҳаллаларнинг кам даромадли оилаларига 1 млн.365 минг сўм миқдорида кўмак берилди. Кам таъминланган оилалардан З.Атаева хонадонига 150 метрли газ қувури текин ўтказилди.

С.Зоиров, И.Турдиев, С.Ҳатамов, З.Икромоваларга газ ҳисоблагич асбоби бепул ўрнатиб берилди. Ушбу Меҳр ва мурувват йилида бундай хайрли ишларни имкони борича кўпроқ адо этмоқдамиз.

Э.КЕНЖАЕВ,
"Конимехгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси филиали директори.

Миллий китобатчилик тарихидан...

ТОШБОСМА — БОШ БОСМА

Ўрта Осиёда китоб нашр қилиш маданияти бой тарихга эга. Кўлёзма китоби тарихида дунёга машҳур шоирлар ва олимлар — Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Навоий, Бобур, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбекларнинг асарлари китоб ҳолида тўпланган. кўпайтирилган ҳамда кенг тарқалган.

Хусусан, XV асрнинг 40-йилларида Германияда Иоганн Гутенберг (1500-1568) томонидан китоб босиш ихтиро қилиниши китоб тараққиётида янги давр очди.

1870 йили Туркистонда йирик кутубхона — Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирги А.Навоий номли миллий кутубхона)га асос солинди. "Туркистондаги ерли аҳоли учун тузилган 1872 йилги календарь" ўзбек тилида араб алифбосида чиқарилган биринчи китоб бўлди. 1913 йилда Туркистон ўлкасида ҳаммаси бўлиб, 56 номда 118 минг нусхада, жумладан ўзбек тилида 37 ном билан жами 86 минг нусхада китоб нашр қилинган. Ўзбек тилидаги ҳамма китоблар тошбосма ёки текис босма усулида чоп этилган. Улар асосан бадиий адабиёт асарларидан, мактаблар учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари ва диний мазмундаги китоблардан иборатдир.

Ўзбекистонда тошбосма усулида китоб нашр қилишни йўлга қўйиш ва тараққий эттиришда Отажон Абдалов (Хива), Исҳоқхонтўра Ибрат (Наманган), Ғулом Ҳасан Орифжонов (Тошкент) ва бошқа маърифатпарварлар жонбозлик кўрсатишди.

XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарларида босмахоналар ташкил этила бошланди.

ЛИТОГРАФИК КИТОБ

Ўрта Осиёда китоб босиш иши Европа мамлакатларига нисбатан анча кеч бошланди. Бунга кўп минг йиллар давомида ривожланиб келган қўлёзма китоблар анъаналари, китобни кўпайтиришнинг қўлёзма усули, хаттотлик санъати яхши ривожланганлиги сабаб бўлган.

Ўрта Осиё шаҳарларида, бу усулда яъни ҳарф термасдан, текис китоб чоп этиш, яъни матнинг аксини, аввалдан қўлда ёзилган қоғозга туширилган матнинг тескарисини тош шаклга тушириш кенг тарқалган. Кишиларнинг бу усулни танлашларига сабаб шуки, бу яъни литографик усул қўлёзма китобларнинг минг йиллик анъаналарини чеклаб, тўхтатиб қўя олмади, бундан ташқари литографик каллиграфнинг қўлёзмаларни матншунослик нуқтаи назаридан янада тўлароқ ва сифатлироқ кўчиришда билимларини оширишга йўл очиб беради. Каллиграфнинг маҳорати, ақли қўлёзмалар билан ишлашдаги каби тошбосма китобларини кўпайтиришда ҳам қўл кела бошлади. Шунинг учун литографик усул миллий китобатчилик ишига сингиб кета бошлади.

Яна бир томони, қўлда ҳарф теришга нисбатан, литографик усул кўп ва машаққатли меҳнат жараёнларини талаб этмас эди, масалан, ҳарф теариш, муҳаррирлик қилиш, мусаҳҳиҳ меҳнати ва бошқалар.

Араб шрифтлари қиммат ва кам эди. Литографик усул эса бирмунча арзонроқ ҳам эди. Ўрта Осиё халқлари маданиятида литографик усулда китоб нашр қилиш муҳим босқич бўлди.

Литографик усулнинг ўзбек миллий китобатчилик ишига кенг кириб келишидаги сабаблардан бири, эндиликда қўлёзма усулда китоб кўпайтириб тарқатиш халқнинг китобга бўлган эҳтиёжларига жавоб бера олмай қолди. Турли хил мактаблар ҳам, каллиграфия санъати оқимлари ҳам, ҳунармандчилик асосига қурилган китоб муқовалаш устахоналари ҳам, каллиграфлар маҳорати ҳам (ҳар қандай қўлёзмани ёза олувчи) бу талабни қондира олмасди.

Қўлёзма китобларга нисбатан анча арзонроқ бўлган литографик китобларга Туркистонда 80-йилларда кўпроқ талаблар туша бошлади.

БИРИНЧИ ТУРКИСТОН ЛИТОГРАФИЯЛАРИ

Туркистон ҳудудида биринчи миллий китоб матбааси санъат намуналари ва ёдгорликлари сифатида Хива хонлиги давридаги литографик нашрлар сақланиб қолган.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Хива хони Абулғози чекка ўлкаларга саёҳат этиб келган пайтларида тарихий асарларни йиғишга ва сақлашга катта эътибор беради. Унинг шахсий архивида бошқа қимматбаҳо манбалар билан бирга унинг турк ва монголлар тарихи ҳақидаги машҳур қўлёзмаси — "Шажараи турк ва мўғул" китоби ҳам сақланган.

Айниқса, Муҳаммад Раҳим (1865-1910) ҳукмронлиги даврида Хива хонлиги кутубхоналари қўлёзмаларга жуда бой бўлган.

Ўрта Осиё ҳудудида биринчи бўлиб, Хива хонининг ва бошқа шоирларнинг асарларини босиб борувчи литографиялар очилган. Бундай китоблар нусхаси бўлишига қарамай, бошқа қўлёзмалар қатори муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Чунки улар ўзбек халқининг китобатчилик тарихини, маданий маърифий тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга эди. Хивада бу вақтда тарихий ва диний асарларни ўзбек тилига таржима қилиш соҳасида ҳам ишлар олиб борилган. Бир қанча шеърий асарлар тўпламлари нашр этилган. Хивага келган сайёҳларга бу тўпламлар совға қилинган. Масалан, француз сайёҳи А.Мозеер Хивага келган пайтда унга Хивалик шоир Махтумқулининг шеърлар тўпламини совға қилишган. Манбааларда таъкидланишича, бу Европада ягона нусха бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон кутубхонасининг асосини қўлёзма китоблар ва Абулғозининг шахсий қўлёзмалари ташкил этилган.

Хива хонлигида матбаа — Раҳимхон-II саройидаги литография, кейинчалик "Подшои замон типо-литографияси" деб номланган бўлиб, унинг биринчи босма нусхаси Абу Наср Форобийнинг "Нисбоус-сибен" ("Болалар насибаси", 1876) асари бўлган.

Хива матбааси 1874 йили ўлкада биринчи ташкил топган литография бўлиб, Хоразм Халқ Республикаси вақтли матбуоти ва пулини чоп этишда ҳам етакчи полиграф база бўлиб хизмат қилган. Унга Хива хони Муҳаммад Раҳимхон-II асос солган.

Юқорида эътироф этилганидек, Ўрта Осиё ҳудудида китобларни литографик усулда чоп этиш иши аҳолининг қуйи қатламларига ҳам Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Навоий, Фирдавсий асарлари билан яқиндан танишиш имкониятини беради. Китобларни литографик усулда чоп этишга XIX асрнинг иккинчи ярмида юртимиз ҳудудида асос солинган бўлса, бугунги кунга келиб, замонавий технология ва имкониятларга эга бўлган ўнлаб нашриётлар фаолият кўрсатмоқда.

Нилуфар РЎЗИЕВА,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти талабаси.

Олам турфа

МУСИҚА УЧУН ФИЛГА ҲАҚ

Лиссавондаги ҳайвонот боғининг хизматчилари филлардан бирининг алоҳида қобилияти борлигини сезиб қолишган. Унга бир неча ҳафта ичида ўзининг овқати учун ўзи пул топишни ўргатишган.

Томошабинлар қафас ичига танга ташласалар фил хартуми билан бир неча қўнғироқ қатор илиб қўйилган арқонни тортади. Шу йўл билан у ҳафта мобайнида кундалик овқати учун етарли маблағ тўплайди.

ҒОЛИБСИЗ ДУЭЛ

Ферниҳинг (ЖАР) шаҳридаги отчопарда 10-12 ёшли скаутлар XX аср бошларида дастлаб Англияда, сўнг барча Буржуа мамлакатларида тузилган ҳарбий-спесий характердаги болалар ташкилотининг аъзолари) икки туяқушга минишган ҳолда яккама-якка дуэлга чиқдилар.

Улар қадимги аскарларда бўладиган яроғ-аслаҳалар билан қуролланган, туяқушлар эса махсус эгарданган бўлиб, дубулға ва қалқонлар билан ҳимояланганди. Қизиғи шундаки, бу курашда ғолиблар бўлмади. Чунки скаутлар у ёқда қолиб, қаҳр-ғазабга минган тажовузкор туяқушлар даканг хўроздек бир-бири билан уришиб кетди.

БУРГУТ ПУЛ ЎҒИРЛАДИ

Ар-Риёд (Саудия Арабистони) шаҳридаги бозорларда одам жонидан бошқа ҳамма нарса сотилади. Ўша бозорларнинг бирига бир киши бургутини сотиш учун олиб келганди. Харидор ҳам тезда топила қолди.

У чўнтагидан бир даста пул олиб энди санай бошлаган эди бургут пулларни дастаси билан олиб қочди. Бу воқеа тасодифан рўй бердими ёки бургут атайлаб ўғирликка ўргатилганми, ҳар қалай бу савол харидор учун жумбоқлигича қолди.

Д.ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллиги олдидан

Юрагида ватан бор эди...

Вақти соати етиб, кимдир қазо қилса, тирикликдаги насибаси узилса, уни йўқлаб яқинлари йиғлайди. Аммо дунёда шундай ўлимлар бўладики, унинг йиғлагувчиси, йўқлагувчиси ҳам кўп бўлади. Эҳтимол, бу фикрим у қадар тўғри эмасдир. Аммо менинг назаримда, бу гўзал ўлим. Тирикликдаги сийлов ҳам чиройли-ку, аммо ҳар доим ҳам рост, ишончли эмас.



Бироқ биз Муҳаммаджонни ҳаётлигида ҳам жуда қадрлардик. Шунинг учун у бевақт дунёдан ўтганда ҳаммамиз бир-биримиздан: "Бандалик экан-да, Муҳаммаджондан ҳам ажралиб қолибмиз" дея кўнгил сўрадик, оғамиз инимиздан жудо бўлгандай азаларида шоира опа-сингиллар қучоқлашиб йиғладик.

Бу меҳр-муҳаббатимиз илдизи Муҳаммад Юсуфнинг самимийлигида эди. Ҳеч қачон турланиб, тусланмаслигида, одамларни — оддий халқ билан бошқаларни табақалаб, танлаб эҳтиром кўрсатмаслигида эди. Муҳаммаджонни сўнгги йўлга кузатганимиздан кейин жуда кўп ота-оналар ёш, эндигина бир-иккита туркум ёки китоб чоп эттирган ўғил-қизини олиб биз — Муҳаммаджоннинг нари-берисида ёзаётган тенгдошлари ёнига келишди:

— Муҳаммад акаси китоби(туркуми)га "оқ йўл" ёзган эди...

— Зоминдаги семинарда шеърлари ҳақида илиқ гап айтган экан...

Оналар шундай эътирофлардан сўнг биздан:

— Болам ҳали бунақа катта ўлимни кўрмаган эди, чидай олмаяпти, кўтара олмаяпти, таскин берингларр, юрагидаги ловиллаётган ўтлари сал совисин, — дея ўтинишган эди.

Таскин қайда бўларди? Таскин самимий, яхшилик билан боғлиқ хотираларда, ундан ҳам аввал бири-биридан юрагига яқин шеърларда.

Ҳатто кеч кузда ҳам тугади қўсак,
Серҳосил Ўзбекистон далалари.
Далага чиқишар кўтариб этак
Биринчи синф болалари.
Зўр келса, гўдак ҳам бирлашур,
Катталар билан тенг беллашур,
Бўйи гўзадан паст, чиллашир —
Биринчи синф болалари...

Шоирнинг "Турғунлик" каби шеърларини ўқиб, "У буюрилгани, айтилганини эмас, кўрганини шеър қилган, билганини шеър қилган шоиримиз эди", — дея таскин топамиз. Бу таскиннинг ўзи — ҳақиқатни ёзувчи шоир борлиги, ҳатто бўлганини эслашнинг ўзи одамга нечоғлик қувват бахш этади.

Бу дунёда ҳеч ким учун йиғламайдиган, ҳеч ким учун азият чекмайдиганлар, юрт бошига иш тушса бир туки "қилт" этмайдиганлар озми? Шулар олдида:

Бир дарёга уланмаган ирмоқлар,
Бир қиз сочин силамаган бармоқлар,
Бир тупроққа тўкилган қизғалдоқлар,
Бевақт қурбон бўлиб кетган ўғлонлар.
Аслида-ку барингиз бир ўзбексиз,
Бир юрт ўғли, бир узукка кўздексиз,
Бўғзимда тош қотиб қолган сўздексиз,
Марди майдон бўлиб кетган ўғлонлар...

Афғон уруши қурбонларига бағишланган "Ўғлонлар" шеърини ўқиб, юрт йигитларига юрак-юраги билан ўртанган шоиримиз борлиги, бўлганлигидан яна бир тасалли топамиз.

Ахир, бир-бировига куймоқ, биров учун бировнинг ўртаниши ҳам халқпарварнинг энг катта белгиларидан бири-ку! Бундан улуғроқ таскин борми?!

Жоним бобом,
Гапир сен ҳам
Бундоқ ҳолу аҳволинг.
Балиқ бўлиб уватларда
Сузиб юрар хаёлинг.
Сени сотган олчоқларга
Йўқмиди бир саволинг?
Эҳ, оғир карвоним менинг,
Бободеҳқоним менинг...

Шоирнинг "Бободеҳқоним" шеърини ўқиб заҳмати билан элни боқаётган одамларни даволаётганидан бир таскин топамиз. Ахир, эл-улусни тил устига тош қўйишга, ҳар қандай шароитда ҳам тиш ёрмасликка ундаш ҳам мумкин эди-ку, тарих бундайларни ҳам кўрган-ку. Шундайлар ёнида Муҳаммад Юсуфнинг ҳаракатга, фаолликка, ўзни англашга чорловчи қўнғироқ шеърларининг борлиги гўзал таскин.

Энг улуғ таскин Муҳаммаджоннинг Ватан ҳақидаги шеърларида, қўшиқ бўлиб катта майдонларга чиқиб кетган шеърларида:

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзинг ҳоқон,
Ўзинг султон,
Сен тахти Сулаймоним.
Ёлғизим,
Ягонам дейму,
Топинган кошонам дейму,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...

Юрагига нафрат, ҳасад уя қурганлар, зўру зар хасталиги билан беморлар ёнида юрагида Ватани бор шоирнинг борлиги қанчалар яхши.

Муҳаммаджоннинг ҳамма шеърлари, ҳамма сатрларида — "Ёлғиз аканг бўлиб ёнингда юрмайман, кечир мени, синглим" деган ўтинчларида ҳам, "Менинг отам — оқтерак, менинг онам — мажнунтол" дея табиатнинг бир парчасига айланган пайтлари, "Атиргулга мурч сепиб узатамиз қизларга" деган андижонча лутфлари, "Кўзимнинг ёшини келади ичгим, тилимни чайнагим келади гоҳида"га ўхшаш алоҳида ҳолатларида ҳам бизга турфа тўхтамлар бергувчи, кўрсатувчи ҳақиқатлар бор.

Шеърларида эркаликлари, қизларга муҳаббат изҳорларида ҳам Муҳаммаджон "Сизнинг Муҳаммад", "Муҳаммадингиз" дея киритма қилган. Бу мутлақо тасодиф эмас. У ўзининг шу тупроққа, шу юрт, шу миллатга меҳр-муҳаббати, хизмати билан ўзини шу имзога ҳақли деб билган. Ва у бунга муносиб эди. Бугун ўша азаси кунлари бирга йўқлаб, йиғлашган шоиру шоиртабиат опа-сингиллар яна биргамиз.

"Муҳаммаджон ҳам элликка кирибди..." деймиз. "Адабиётимизга бу ёш муборак бўлсин", деймиз. "Ҳар элликка кирган шоиридан шундай яхши шеърлар, яхши асарлар кўриб, бойийверсин", деймиз. Эллик ёшли шоирнинг қадр кечасида шундай сўз айтилиши, шундай тилакка сазоворлик яна бир таскиндир.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
шоира.



МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Бугун ва эртага янги ишлар бошламай турганингиз маъқул, яқин кунларда умуман дам олинг. Қайғурманг, мўлжалингиздаги ишларни бажаришга улгурасиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Сизга ваъда қилинган кўп нарсаларга эришишингиз мумкин, лекин ўзингиз истагандек бирданига эмас. Сабр-тоқатни ғамлаб қутинг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)
Баҳорий кайфият таъсирида кўнгилли дамларни бошдан кечирасиз. Энг муҳими, бу лаҳзаларни сиз билан баҳам кўрувчи кишингиз бор.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда маблағ борасида бироз танқислик сезилса-да, умуман олганда ишларингиз ёмон бўлмайди. Оилада кўнгилли ташвишлар оғушидасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Муҳим қарорлар қабул қилишда майда-чуйда гапларга эмас, масаланинг моҳиятидан келиб чиқишга ҳаракат қилинг. Ҳаммага бирдек ёқиб бўлмайди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Нима учундир айни кунларда сиз жуда қайсар кишига айлангансиз. Бундан нафақат бошқалар, балки ўзингиз ҳам азият чекасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ишларингиз қанчалик даражада ўлда-жўлда қолмасин, яқин кунларда фақат соғлиғингизни тиклаш билан машғул бўлинг. Дам олинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўзингиз ёқтирган кишилар ҳамроҳлигида сафарга чиқишингиз мумкин. Агар бунга эришсангиз, катта таассуротлар орттирасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда яхши ва фойдали харидлар қилишингиз мумкин. Агар сизга хос бўлмаган тарзда пишиқчилик қилмасангиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ота-оналар, фарзандлар муносабатида рўй берадиган кўнгилсиз ҳолатлар сизни ҳам четлаб ўтмайди. Лекин унутмангки, бу ҳолатлар тезда ўтиб кетади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Уй-жой, мулк солиқларини тўлаш билан боғлиқ муаммолар сизни ҳолдан тойдириши мумкин. Бу ишларда қонун чегарасидан чиқмаган маъқул.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ижодий фаолиятингиз айни авжига чиққан палла. Иш деганда ҳар нарсани унутадиган даражада ғайратингиз жўшмоқда. Ғайратингизга балли.

МУҲАКИСЛАР БАҲСИ

Марҳамат туманидаги Қорақўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини биносида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб "Барҳаёт сиймо" номли хотира кечаси ўтказилди.

Тадбирда тумандаги маҳаллалардан шоирнинг мухлислари, ҳақиқий шеър ихлосмандлари иштирок этди. Шоир ижодини ким қандай билиши юзасидан баҳс-мунозара бўлди. Тадбирда иштирок этган Гаргар, Тошйўли, Қорақўрғон, Бозорбоши, Т.Юсупов, Йўламатол маҳаллалари вакиллари ғолибликни қўлга киритдилар.

Кеча сўнгида қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳаммад Зокирҳожи Эргашев ғолибларга эсдалик совғалар топширди.

СИЗНИ ҚУМСАБ...

Муҳаммад Юсуф хотирасига

Сизни қумсаб, соғиниб қолсам,
Қабрингизни кўриб қайтаман.
Мирқад узра унган лолага,
Айролиқнинг дардин айтаман.
Бир шамчалик умрингиз билан,
Юрт ташвишин англаб етдингиз.
Есангиз ҳам гарчи қаттиқ нон,
Юмшоғини дўстга тутдингиз.
Сиз туфайли шеърият, санъат,
Қанот ёзди — мисли дулдул от,
Халқ дардини, истиқлол мадҳин,
Қуйлар фақат худди сиздек зот.

Сойибжон СОБИРОВ

ШОИР номидаги МАҲАЛЛАДА

...Муҳаммад Юсуф туғилиб ўсган маҳалла ҳеч қачон бугунгидек одамлар билан гавжум бўлмаган. Шоир номи билан аталувчи кўчада эртаю кеч машиналар қатнови тинмайди. Ҳар куни юзлаб, гоҳо ундан ҳам кўп одамлар «Ғиштли мозор» қабристонидаги Муҳаммад Юсуф қабрини зиёрат қилишади, у туғилиб ўсган хонадонда, шоир савод чиқарган мактаб синфхоналарида бўлишади.

«Ғиштли мозор» қабристони... Қабристон ичидан шоир қабрига икки четида анвойи гуллар экилган асфальт йўлчалар элтади.

Бу ерда шоирнинг бюсти ўрнатилган. Шундай жўшқин ижодкорнинг бугун бу ерда мангу сукут оғушида эканига кишининг ишонгиси келмайди.

...Шоир туғилиб ўсган хонадонга киравершда пишиқ ғиштдан шинамгина кўп хонали уй қуриляпти. Бу уй келгусида Муҳаммад Юсуфнинг уй-музейига айлантирилса ажаб эмас. Шоирнинг 76 ёшни қаршилаётган онаси Энахон ая Сотиболдиева дам шундай шоир ўғил вояга етказганидан қувониб гапирса, дам унинг ҳаётдан эрта кўз юмганини эслаб, юм-юм йиғлайди. «Юсуфим ҳар гал келганида, онажон, мана шоир ўғлингиз келди, у Тошкентдай азим шаҳарда ижод қилиб, соғомон юрибди, деб бағримга ташланарди, — дейди онахон кўз ёшларини артиб. — Мен ҳам уни бағримга босиб, тўйиб-тўйиб юз-кўзларидан ўпардим. Не қилайки, мени бир умрга ташлаб кетди. Илоҳим, жойи жаннатдан бўлсин».

Шоир ўқиган 25-мактаб бугун унинг номи билан аталади. Мактабга кираверишда илинган беҳисоб суратлар Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади.

— Мен Муҳаммаджонни ўнинчи синфгача ўқитганман, — деди мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Сайдуллахон Тожихонов. — Илк шеърлари туманда чиқадиган «Оқ олтин» газетасида босилганди. Муҳаммад Юсуф шундай комил инсон, етук ижодкор бўлиб етишдики, унинг муаллими эдик, деган фахр туйғуси қалбларимизни ҳеч қачон тарк этмайди.

Яқинда у яшаган маҳаллага ҳам Муҳаммад Юсуф номи берилди.

— Биз маҳалламиздан Муҳаммад Юсуфдек машҳур шоир етишиб чиққанидан доимо фахрланамиз, — дейди маҳалла оқсоқоли Турғунбой Бозоров. — У ҳар гал келганида йиғинимизда бўлиб, ҳол-аҳвол сўрар ва кўп масалаларда яқиндан ёрдам берарди.

Муҳаммад Юсуф номи билан аталувчи маҳалла ўртасидан катта анҳор ўтади. Унда ҳамиша сув тўлиб оқади. Анҳор бўйида турли мевали ва манзарали дарахтлар баравж ўсмоқда. Бу ерда ялпизлар, гуллар ҳиди ҳамиша анқиб туради. Шоир ҳам ёшлик чоғларида ўртоқлари билан шу анҳорда кўп марта чўмилган. Дастлабки шеърларини шу анҳор бўйидаги дарахтлар соясида ўтириб, гулу ялпизлар исини ҳидлаб ёзган. Бугун бу ердаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дарахт шоирни ёдга олиб тургандек. Анҳорни тўлдириб оқаётган сув оҳанги шоир ёзган бетакрор ва мунис шеърий сатрларга ҳамоҳангдек туюлди менга.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

КЎЧАМИЗГА ЯРАШИҚ НОМ

Сир эмас, бизнинг маҳалла, шунингдек, бизга қўшни бўлган маҳаллаларда собиқ шўролар тузими асорати ўлароқ ҳеч бир моҳият касб этмаган номлар кўчаларимиз номига айланиб қолган эди.

Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ бу борада жиддий хулосалар ясалди. Яъни бу жойлар, кўчалар номи юртимиз ҳамда шу ҳудуд тарихи, ҳаёти билан боғлиқ номлар, Ватан, халқ ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз номлари билан алмаштирила бошлади. Хусусан, маҳалламиздаги катта кўча номи халқимиз ардоқлаган инсон, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номи билан юритила бошланди. Бу, аввало, шоирнинг юрт, халқ истиқболи учун қўшган муносиб ҳиссаси билан далилланса, иккинчидан севимли шоиримиз шу кўчада анча муддат яшаб ижод этган. Шу каби кўчаларнинг ҳеч бир сабабсиз турли шаҳарлар номи билан аталишидан қалбан озор чекиб, бу борада саъй-ҳаракатлар қилиб юрган эди.

Биз маҳалладошлар маҳалламизнинг бош кўчаси Муҳаммад Юсуф номи билан аталишидан фахрланамиз.

Нуриддин УМАРОВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 8-Бўз маҳалласи оқсоқоли.

Фаолиятда фойдали

ФАРҒОНА МАҲАЛЛАЛАРИДА

Маҳаллалар азалдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, яшаш тарзи, миллий урф-одат ва анъаналар шаклланган маскан бўлиб келган. Шунингдек, инсонларда меҳр-мурувват, саховат туйғуларини шакллантиришда ҳам маҳаллаларнинг беқиёс ҳиссаси бор.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига бағишлаб «Фарғона» нашриётида Толибжон Ҳафизов ва Қодиржон Шодмоновлар ҳаммуаллифлигида чоп этилган «Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси» китобида ҳам Фарғона маҳаллаларининг ўтмиши, ҳозирги куни ҳақида сўз юритилади. Жумладан, мазкур китобдан ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиздаги ўрни, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўрсатилаётган ёрдам ва турли спорт ва соғломлаштириш тадбирлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ўрин олган. Ундан ташқари, китоб орқали ўқувчилар Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган маҳаллараро кенгашлар, вилоят прокуратураси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда амалга ошираётган жамоатчи гуруҳларнинг фаолияти, вилоятда аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг аҳволи, тўловларнинг ундирилиши ҳамда ўзини ўзи бошқариш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар билан ҳам танишишлари мумкин.

Ф.БЎТАЕВ

ИК ООО"Юнусобод Сармоя Инвест" РЕАЛИЗУЕТ:
передвижные коммерческие киоски площадью 2,2х2,2 стоимостью 2,2 млн.сум.
За справками обращаться: тел.1376290, 1352830,ул. А.Темура, 72, комн. N13,14

Юрт киёфаси

МИНОРАДАН КЎРИНАР ДУНЁ

ЁХУД УЛАР ДУНЁГА МАЁҚ КАБИ ЁРИШИБ КЎРИНАДИ

Минора арабча маёқ, машъал маъносини англатади. Тарихий манбалардан маълумки, миноралар барпо этилиши ислом динининг юртимизга кириб келиши билан боғлиқ. Ҳар бир масжид ёнида, албатта минора қурилиб, ундан "Сўфи" (муаззин) азон айтиб, аҳли мусулмонни намозга чорлаган.

Айрим ҳолларда эса миноралардан турли хил муҳим хабарлар етказиб турилган. Шунингдек, миноралардан соқчиларнинг хос жойи сифатида ҳам фойдаланилган. Айни бир вақтда улар савдо карвонларига йўл кўрсатадиган машъал вазифасини ҳам бажарган. Шу билан бирга шаҳарларга чирой ва салобат бахш этиш, минорани қурдирган шахснинг куч-қудратини намойиш этиш учун ҳам бундай иншоотлар барпо этилган. Ўрта Осиёда миноралар асосан доира шаклида бўлса, бошқа жойларда, масалан, Туркия ва Ҳиндистонда минора барпо этишда кўп қиррали ёки тўртбурчак шакллардан фойдаланилган.

Юртимиздаги энг қадимий минора Зурмала номи билан аталади. Бўйи 14,5 метр бўлган бу иншоот милоддан аввалги иккинчи асрда бунёд этилган. Минора кўриниши тўртбурчак тархли, цилиндрсимон шаклда бўлиб, хом ғиштдан қурилган. Тепасига қуббагумбаз ишланган. Зурмала минораси ҳозирги Термиз шаҳридан чамаси 10 км нарида жойлашган. Иншоот ўша даврнинг истеъдодли усталари томонидан қурилган. Давр ўтиши билан турли табиий офатлар: зилзилалар, ташқи ҳужумлар натижасида қадимий Зурмала минораси хароба ҳолига келиб қолган. Ҳозирда мазкур тарихий-меъморий обида давлатимиз муҳофазасида.

Сурхондарё вилоятида яна бир обида — Жарқўрғон минораси бизнинг даврримизгача қад ростлаб турибди. Уни 1108-1109 йиллар давомида сарахслик уста Али ибн Муҳаммад қурган. Минора 8 қиррали пойдевор устига пишиқ ғишт қўйилиб, мустаҳкам қурилган. Бу тарихий бино ўрта асрларга хос шарқ меъморчилигида муносиб ўрин эгаллайди. Миноранинг дастлабки баландлиги 40 метрдан ошиқроқ бўлган бўлса, ҳозирга келиб 21,6 метрни, асоси эса 5,4 метрни ташкил этади.

Бухородаги энг баланд, бетакрор нақшларга бой, гўзал миноралардан бири бу — Катта минора ёки Арслонхон минорасидир. Минора 1124-1127 йилларда бунёд этилган. Унинг биринчи ғиштини ҳоқон Арслонхоннинг ўзи қўйган. Минора қурилишида ўз даврининг машҳур меъмори, уста Боқи бошлиқ бир гуруҳ бухоролик усталар қатнашган. 46,5 метр баландликдаги ушбу минора 24 та айлана-белбоғлар билан бўлинган. Уларга бетакрор нақшлар билан куфий ёзувларида тарихий сўзлар битилган. Жумладан, миноранинг энг юқори белбоғ (ҳалқалар)идан бирида нақшли ғиштлар билан бўртма қилиб, "Уста Бақо амали", "Арслонхон минораси" деган сўзлар ёзилган. Иншоотнинг цилиндр гумбазида 16 та равоқли дарчаси бор. Бино ичидаги 104 та зинадан иборат пиллапоя орқали миноранинг энг юқори қисмига чиқилган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича ҳамда тарих фанлари номзоди, "Ичан қалъа" музей қўриқхонаси бошлиғи Абдулла Абдурасуловнинг берган маълумотларига кўра, XX аср бошларида Хивада 80 яқин катта-кичик миноралар бўлган. Ҳозирга қадар эса уларнинг атиги 12 таси сақланиб қолган. Улар орасида энг қадимийси ҳисобланган Жума масжиди минораси X асрларда қурилган ва 1788 йили қайта таъмирланган. Унинг баландлиги 90 метрдан ортиқроқ бўлган.

Калтаминор обидаси ҳам Хивадаги гўзал миноралардан саналади. Минорани Ўрта Осиёда энг катта ва баланд (баландлиги 70-80 метр) иншоот қилиб қуриш мўлжалланган эди. Аммо уни бунёд қилиш ишлари 1855 йилда хоннинг вафоти туфайли тўхтаб қолади. Ҳозирда обиданинг баландлиги 26 метрни, асосининг ҳажми эса 14,2 метрни ташкил этади.

Миноралар орасидаги энг чиройли ва ёши — 1912 йили хоннинг қайнотаси ва бош вазири Исломхўжа қурдирган минорадир. Бу минора нафақат Исломхўжа мадрасасига, балки бутун шаҳар қиёфасига ҳам ўзгача кўрк бахш этиб туради. Асосининг ҳажми 9,5 метр бўлган бу иншоот тепасига бир юз йигирмата зина орқали чиқилади. Миноранинг энг юқори қисмида ярим ой шаклида қубба ўрнатилган бўлиб, у шамолнинг йўналишини кўрсатиб туради. Миноранинг 120 та айлана зиналаридан зўрға кўтарилган хорижлик бир сайёҳ ҳайрат билан ҳазил аралаш "Минорадан дунё кўринар экан", — деб хитоб қилган экан.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8547 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-526 Топширилди—21.00